



“Олмалик кон – металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ЯГОНА АКЦИЯДОР ҚАРОРИ

2024 йил 14 июн

1 - сонли

Олмалик ш.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 майдаги ПҚ-182 сон Қарорига мувофиқ ягона акциядори бўлган “Олмалик кон – металлургия комбинати” акциядорлик жамияти томонидан қабул қилинди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 майдаги ПҚ-182-сон Қарори ижросини таъминлаш тўғрисида.
2. “Ўзбекистон технологик металл комбинати” акциядорлик жамиятининг Устав капиталини ва Уставини тасдиқлаш.
3. “Ўзбекистон технологик металл комбинати” акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмаси ва штат жадвалини тасдиқлаш.
4. “Ўзбекистон технологик металл комбинати” акциядорлик жамиятининг бошқарув раисини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 майдаги ПҚ-182 сон Қарорига (*кейинги ўринларда Қарор*) мувофиқ “Олмалик кон – металлургия комбинати” акциядорлик жамияти таркибидаги Нодир металл ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бирлашмаси негизда “Ўзбекистон технологик металл комбинати” акциядорлик жамиятини (*кейинги ўринларда комбинат*) ташкил этиш белгиланган.

Қарорга мувофиқ Комбинатнинг дастлабки устав капитали, истисно тариқасида, Нодир металл ва қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси мол – мулкнинг баланс (қолдиқ) қиймати микдорида шакллантирилиши ҳамда Комбинатнинг бирламчи акциялари

“Олмалик кон - металлургия комбинати” акциядорлик жамиятига номинал қийматда жойлаштирилиши белгиланган.

Қарорнинг 3 - иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Тоғ – кон саноати ва геология вазирлигига ва “Олмалик кон – металлургия комбинати” акциядорлик жамиятига Қомбинатнинг асосий вазифаларидан, келиб чиқиб Уставини, ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек “Ўзбекистон технологик металл комбинати” акциядорлик жамиятини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш топшириғи белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига мувофиқ жамият устав капиталини, уставини, ташкилий тузилмаси, штат жадвалини ва бошқарув раисини тасдиқлаш акциядорлар ваколат доирасига киради.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ҳамда Қарор ижросии ўз вақтида ва сифатли таъминлаш мақсадида Қомбинатнинг устав капиталини, уставини, ташкилий тузилмасини иловаларга мувофиқ тасдиқланиши таклиф қилинади.

Кун тартибдаги масалалар юзасидан қарор қилинди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 майдаги ПҚ-182-сон Қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Ўзбекистон технологик металл комбинати” акциядорлик жамиятининг Устав капиталини ва Устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. “Ўзбекистон технологик металл комбинати” акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмаси ва штат жадвали иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. “Ўзбекистон технологик металл комбинати” акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси в.в.б этиб Асадов Илхом Содикович номзоди тасдиқлансин.

5. Жамият бошқарув раиси в.в.б И.Асадовга ҳамда “Олмалик КМК” АЖ Корпоратив муносабатлар ва инвесторлар билан алоқалар хизмати бошлиғи Ш. Назаровага “Ўзбекистон технологик металл комбинати” акциядорлик жамиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг тегишли ҳудудий бўлинмасида ўрнатилган тартибда рўйхатидан ўтказиш юклатилсин.

6. Ушбу қарорни ижросини таъминлаш “Олмалик кон – металлургия комбинати” АЖнинг бошқарув раисининг биринчи ўринбосари С.Ларионовга юклатилсин.

“Олмалик КМК” АЖ
бошқарув раиси



А. Хурсанов